

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 19 август, № 161 (6596) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!




Тобора яқинлашиб келаётган республикамиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон халқи номига кўпдан-кўп самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Шу билан бирга, чет давлатларнинг Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари ҳам юртимиз раҳбарияти ҳамда халқини ушбу қутлуғ сана билан қизғин табриклашмоқда.

АҚШ элчиси:

## «Ўзбек халқи янги давлатни барпо этди»

*Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларига баҳо берар экан, ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди:*

— Энг аввало, Мустақиллик байрамингизнинг йигирма беш йиллиги муборак бўлсин, дея табриклашга ижозат берсангиз. Бу сана Ўзбекистон учун муҳим даврни бошлаб бергани билан аҳамиятлидир. Зеро, мамлакатингиз кейинги йигирма беш йил ичида янги давлатни барпо этди.

АҚШ Ўзбекистонни тўлақонли мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб тан олган эди. 1992 йилдан буён биз кўпгина муҳим масалалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Мазкур соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ўзбекистонда самарали давлат институтларини шакллантиришда ўсиш кузатилиб, бу фуқароларнинг манфаатларини янада кенг таъминлаш имконини бераяпти. Шуни қайд этиш керакки, мустақил фуқаролик жамияти замонавий давлатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бусиз давлат ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олмайди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳар қандай улкан иш эзгу ниятдан бошланади. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами тантаналари арафасида ортга назар ташлаб, босиб ўтилган йўл, эришилган натижаларни таҳлил этар эканмиз, ана шу ҳаётий ҳақиқатга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда оламшумул ютуқлар қўлга киритилдики, бунинг самараси кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз жамолида, турмушимиз фаровонлигида яққол намоён бўлаётир.

## Бекиёс имкониятлар ва юксалиш одимлари

Маълумки, бундан ўн олти йил аввал "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси ташкил этилгач, шу пайтгача тарқоқ, ўлда-жўлда бўлган соҳа фаолияти бир тизим асосида жипслаштирилди. Самарали фаолият юритиш учун қулай бизнес муҳити яратилди. Натижада ўтган қисқа давр ичида тери хом ашёсини тайёрлаш ва уни чуқур қайта ишлаш, рақобатдош пойабзал ҳамда чарм-атторлик моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб корхоналарга асос солинди. Бугунги кунда улар хориж инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда, амалиётга илғор технологияларни жорий этиш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи буюмлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётгани қувонарлидир.

**ИСЛОҲОТ**

— Ўтган асрнинг 80-йилларидан буён "Қўқон пойабзал" ишлаб чиқариш корхонасида ишлайман, — дейди Фарида Мамаюнусова. — Биласизми, ўша пайтдаги аҳвол билан бугунги шарт-шароитни солиштирсак, ер билан осмонча фарқ бор. Дастгоҳлар эски, бир кун ишласа, икки кун таъмирланар, умуман, соҳага ихтисослаштирилган корхонанинг ўзи кам эди. Ҳозир ўша даврнинг қийинчиликларини шогирдларимга қайта-қайта айтиб бераман. Чунки у маҳаллар тадбиркорликка йўл йўқ эди. "Ҳамма тенг яшаши керак", деган сохта шиор остида косибларни ҳам тинч қўйишмасди. Бугун-чи? Ишбилармонлар учун барча шарт-шароит муҳайё.

— Ишбилармонларимиз томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар бутун тизим фаолиятида ҳам яққол намоён бўлиб, кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти, — дейди уюшма бўлим бошлиғи Дилобар Зуфарова. — Бу эса хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистон маҳсулотларига бўлган қизиқишини тобора ошираётир.

(Давоми 2-бетда).

### ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН



Шу кунларда мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига қизғин ҳозирлик кўрилаяпти. Унда юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳасини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Ана шундай ҳужжатлардан бири янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонундир.

## Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Ҳозирги кунда мазкур Қонун Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан экспертлар гуруҳи, соҳа ходимлари ҳамда мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилаётир. Янги Қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида қўмита раиси З. Низомхўжаев қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахс адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда ушбу конституциявий қоидани рўёбга чиқариш, шунингдек, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирган қонунчилик базаси яратилган. 1993 йилда қабул қилинган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун меҳнат муҳофазасининг самарали тизимини шакллантириш, уни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги нуқтаи назаридан изчил такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳасини ислоҳ этиш, саноатни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда, технологияларни ривожлантириш, тадбиркорликни равнақ топтириш даври бўлди. Бу эса, шубҳасиз, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини ташкил қилишга нисбатан ёндашувларни тубдан ўзгартиришни талаб этади.

Янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун Ҳукумат томонидан тасдиқланган Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларни 2014 — 2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча тадбирларни ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилди. Унда бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига, мамлакатимизда иқтисодиётни янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш, эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга ҳамда юртимиз меҳнат қонунчилигига мувофиқ бўлган янги ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш вазифаси белгиланган эди.

Қонунни ишлаб чиқишда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари ўрганилди, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, Япония, Жанубий Корея, Россия ҳамда бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қиёсий таҳлил этилди. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, йирик саноат корхоналари томонидан берилган таклифлар инобатга олинди.

(Давоми 2-бетда).

**ЖАРАЁН**

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига юксак эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда нафақат тиббиёт муассасаларини жаҳон талаблари даражасига келтириш, балки яна бир муҳим йўналиш — фармацевтика саноатини ривожлантириб, халқимизни сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлашга ҳам катта аҳамият берилаётир.

## Сифатли дори-дармон — саломатлик омили

Соҳани равнақ топтиришда эса, аввало, мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилгани қўл келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"-ги, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, уларда дори воситаларини ишлаб чиқариш, сифатли сақлаш, сотиш, безарарлигини таъминлаш, умуман, барча жиҳат назарда тутилган.

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида юртимизда атиги 2 та фармацевтика корхонаси мавжуд бўлиб, йигирмага яқин турда дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрланарди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган 130 та ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд.

2016 йилнинг 4 январида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда тасдиқланиши соҳа ривожида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди.

Айни пайтда соҳа корхоналари томонидан 35 та фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб, тиббиётнинг 28 та йўналишида қўлланиладиган 1921 номдаги замонавий дори воситалари ишлаб чиқарилаётир.

Авваллари дори воситаларини, асосан, четдан сотиб олишга мажбур эдик. Эндиликда фармацевтика корхоналари маҳсулотлари 12 та давлатга экспорт қилинаяпти. Ана шу мамлакатларда 226 номдаги препаратларимиз рўйхатдан ўтказилган. Ташқи савдо кўрсаткичлари ҳам ижобий динамика билан тавсифланади. Чунончи, 2016 йилда хорижга маҳсулот сотиш ҳажми 16,4 миллион АҚШ долларини ёки ўтган йилдагига нисбатан 146,4 фоизни ташкил этиши кутилаяпти.

Дори воситалари муомаласида сифат назорати тизими алоҳида аҳамиятга эга. Халқимиз соғлиғи ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларнинг савдога чиқарилишини назорат қилиш, дори воситаларининг жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлаш — сертификатлаштиришнинг асосий тамойилларидир. Мувофиқлик сертификати нафақат корхоналарнинг жаҳон бозори талабларига мос келувчи рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг муҳим шарти, балки сифатсиз маҳсулотларнинг олдини олишда ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 3-бетда).

## МИЛЛИОНЛАР ОЛҚИШИГА САЗОВОР ЎҒЛОН

### Олимпиада ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди

*Ҳозирги кунда дунёда 7 миллиард 345 миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган бўлса, жаҳон миқёсида энг машҳур шахслар, бу — спортчилардир. Қувонарлиси, ана шундай таниқли кишилар орасида бугун Ўзбекистон фарзандларининг номи ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда.*



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

Жумладан, Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг бокс учрашувларида бири-биридан ажойиб баҳслар ўтказиб, ўзига хос услуби, характери, иродаси, гоҳида эса қувноқ ҳаракатлари орқали кўпчиликнинг эътиборини тортган, меҳрини қозонган истеъдодли спортчимиз Шаҳрам Ғиёсовнинг ҳам, шубҳасиз, энди сайёрамизнинг турли нуқталарида кўплаб мухлислари бор. У тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида кумуш медални қўлга киритиб, ўзбек бокс мактабининг салоҳияти нақадар юксак эканини яна бир карра исботлади.

(Давоми 4-бетда).

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

### мустақил ва янгича фикрлайдиган авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни вояга етказиш, уларни мустақил фикрлайдиган, қатъий фуқаролик позициясига эга инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

**ИФТИХОР**

Бинобарин, бугун жаҳон ареналарида, нуфузли спорт мусобақаларида юртимиз довруғини дунёга танитаётган чемпионларимиз, илм-фан, санъат, ижод, умуман, барча соҳада юксак марраларни эгаллаётган ёшларимизнинг ютуқлари мустақилликнинг дастлабки йилларида илгари сурилган баркамол авлодни шакллантириш ғоясининг ҳаётий самарасидир.

Истиқлолга эришишимиздан бир йил олдин мамлакат ҳаётини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган маърузада давлатимиз раҳбари бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури кераклигини, бу дастур таълим сифатини ошириш, ўқитувчи, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, уларнинг малакасини юксалтириш, истеъдодли болалар учун мактаблар очиш, юқори малакали миллий мутахассисларни тайёрлаш масалаларини ўз ичига қамраб олиши зарурлигини таъкидлаган эди. Энг муҳими, дастур асосида болаларимиз ўз ҳаётини бахтли, фаровон қилишга қодир бўлишлари лозимлиги қайд этилганди.

1997 йил 29 августда қабул қилинган ва ҳаётга самарали татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жиддий изланиш ҳамда тадқиқотлар натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, унда ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ҳамда қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида демократик қадриятлар ўз аксини топди. Илк бор шахс ислоҳотлар марказига қўйилди ва миллий моделнинг тизим ҳосил қилувчи асосий компонентига айланди. Шу боис кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳамда дастури, бир томондан, миллий истиқлол ғоясининг ажралмас таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан уни амалга оширишни таъминлайдиган механизм ҳамдир.

Дастурда таълимнинг устуворлиги, демократлашуви, инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ҳамда махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш узлуксиз таълимнинг асосий фаолият принциплари сифатида белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

АҚШ элчиси:

# «Ўзбек халқи янги давлатни барпо этди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон иқтисодиёти катта салоҳиятга эга бўлиб, АҚШ бу борада фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Айниқса, республика Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашгани унинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтиради. Ўзбекистонда Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қилади. Бу эса мамлакатнинг минтақадаги асосий савдо-иқтисодий марказ бўлишига хизмат қилаяпти. Американинг қатор йирик компаниялари, жумладан, “Боинг”, “Женерал Моторз”, “Женерал Электрик”, “Кейс Нью Холланд” ҳамда бошқалар Ўзбекистон компаниялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, инвестиция ҳамкорлигини муваффақиятли йўлга қўйган. АҚШ компаниялари юртингиз иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш билан қараб келади. Яқинда икки мамлакатнинг ҳукумат ва бизнес вакиллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида Американинг кўплаб компаниялари қатнашгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон халқи мамлакатда оилани мустаҳкамлаш борасидаги ишлар, бу йўналишдаги миллий анъана ҳамда қадриятлари билан фахрланишга ҳақлидир. Бинобарин, жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши замирида ҳам аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини ошириш ғояси мужассам. Президент Барак Обама айтганидек, “Оналар — бизларнинг биринчи дўстларимиз ҳамда муаллимларимиз, улар бизларни катта марраларни забт этишга илҳомлантиради, дуч келадиган муаммоларимиз ёки танлайдиган йўлимиз қандай бўлишидан қатъи назар, бизларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдилар”.

Шу ўринда қайд этиш керакки, АҚШ халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда 1993 йилдан буён мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш соҳасида яқиндан кўмак кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон бой ислом тарихига ва турли динлар вакиллари ёнма-ён истиқомат қилаётган кўп конфессияли жамиятга эга бўлган дунёвий давлатдир. Мен бу ажойиб мамлакат бўйлаб сафарларим ҳамда оққўнгил ва меҳмондўст халқингиз билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп суҳбатларим чоғида Ўзбекистон ранг-баранглигининг бутун моҳияти ҳамда бойлигини ҳис этишга муяссар бўлдим.

Замонавий Ўзбекистон — халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти. АҚШ унинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлайди.

АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари кенг кўламли масалаларни қамраб олган, улар ўзаро манфаатлар, муштарак ҳурмат асосидаги фаол ҳамда очиқ мулоқот воситасида кўриб чиқилмоқда. Умумий хавф-хатарларга ва хавфсизликка таҳдидларга қарши туриш масалаларида ҳамкорлик қилаяпмиз. Биз ишбилармон доиралар ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш, АҚШ сармоядорларини Ўзбекистонга жалб этишни қўллаб-қувватлаш имкониятлари бўйича изчил иш олиб борамиз. Илм-фан ҳамда технологиялар соҳаларида, маданият ва таълим, жумладан, инглиз тилини ўқитиш ҳамда академик ва маданий алмашувларни кенгайтириш борасидаги алоқаларни янада ривожлантиришни истардик.

Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатлар мустаҳкамланишини давом эттиришга интилмоқда. Буни юқори мартабали расмийларнинг Ўзбекистонга ташрифлари мисолида кўриш мумкин. АҚШ Давлат котиби Жон Керри Марказий Осиёнинг беш мамлакати ҳамда Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг учрашувида (C5+1) иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди, АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги раҳбари Жозеф Вотел июнь ойида Президент Ислом Каримов билан конструктив музокаралар ўтказди. Яқинда Вашингтонда бўлиб ўтган C5+1 шаклидаги учрашувда Ўзбекистон делегациясининг қатнашгани мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик энг юқори даражада давом этаётганидан далолат беради.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар келгуси йилларда ҳам равнақ топишига ишонамиз.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг юбилей байрами муносабати билан Америка халқи ва Тошкентдаги АҚШ элчихонасидаги ҳамкасбларим номидан халқингизга тинчлик, бардавом фаровонлик, эзгу ишларида муваффақиятлар, саломатлик ҳамда бахту иқбол тилайман! Келгуси 25 йил ҳам Ўзбекистонга ва мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларга янада катта яхшиликлар олиб келсин. Мустақиллик байрамингизнинг йигирма беш йиллиги муборак бўлсин! Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан бўладиган кўпдан-кўп шодиёналарни интизорлик билан кутамиз!

**«Жаҳон» АА.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Юртимизда кечаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари роли ҳамда аҳамияти янада ошиб бормоқда. Бу Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш: қонунчилик ва амалиёт” мавзуидаги семинарда алоҳида қайд этилди.

# Самарали фаолият мезони

Парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда таъкидланганидек, истиқлол шарофати билан маҳалла юртимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга татбиқ этилган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, жойларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашишда, давлат бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳамда вазифаларини анча кенгайтирди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштирди, номзодларга қўйиладиган талабларни кучайтирди.

— Ҳозирги вақтда илгари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасида бўлган 30 дан ортиқ вазифаларни фуқаролар йиғинлари самарали бажариб келаяпти, — дейди сенатор Т. Мадумаров. — Энг муҳими, бугун маҳалла фуқаролар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамиятда аҳиллик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бунинг натижасида аҳоли орасида фуқаролар йиғинининг нуфузи юксалаяпти.

Тадбирда мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар ва барқарор ривожланиш суръатлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳам янада такомиллаштиришни кун тартибига олиб чиқаётгани билдирилди. Бу борада парламент юқори палатаси ҳамда унинг қўмиталари томонидан фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун бир қатор нормаларининг Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятларида ижро этилиши ўрганилиши натижаларига кўра, фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг май — июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови натижаларини таҳлил этиш асосида тегишли таклиф ҳамда тавсиялар акс этган қарорлар қабул қилиниб, ижрочиларга етказилди.

Видео-конференция тарзида ўтказилган семинарда ўзаро тажриба алмашилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишга доир айрим таклифлар билдирилди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинаётганлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

## мустақил ва янгича фикрлайдиган авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат ҳар бир ёшнинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишини кафолатлади. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Юртимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 — 12 фоизни ташкил этаётир. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан қарийб 2 баробар кўп экани диққатга сазовор.

Тошкентда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда дунёнинг 40 дан зиёд давлатларидан ташриф буюрган олимлар, мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан таълим тизимини тубдан ислоҳ этишда Ўзбекистон ўзига хос йўлдан бориб, юксак натижаларни қўлга киритгани кенг эътироф қилингани ва кадрлар тайёрлаш миллий модели тан олингани барчамизни ғурурлантиради.

Дарҳақиқат, чуқур ўйланган ҳамда илмий асосланган, мамлакат ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий соҳаларида кечаётган туб ўзгаришлар билан ҳар томонлама боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган мазкур модель 19 йил давомида уч босқичда ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаяпти.

Даставвал мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда, таълим тизими ислоҳ қилиниб, унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Чунончи, “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, таълим тизими мазмуни тубдан янгиланди. Асосийси, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ҳамда маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари, ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттириш билан бир қаторда, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари, илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини тўлиқ ахборотлаштириш Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи вазифалари сифатида амалиётга жорий қилинди.

Дастур мақсадидан келиб чиқиб, таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ҳамда сарқитлардан тўла халос қилиш, ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида изчил сиёсат амалга оширилди. Таълим тизимининг ҳуқуқий мақомини юксалтириш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларни энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ҳамда технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш, таълим-тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларини жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, ёшларга замонавий, рақобатдош касб-ҳунар сирларини ўргатиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугун республикамизда 9 минг 692 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимизнинг пухта билим эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Шунингдек, болаларнинг мусиқа ва санъатга, спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган кўплаб мусиқа ҳамда санъат, спорт мактаблари, “Баркамол авлод” марказлари, замонавий спорт объектлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, Дастурда кўзда тутилганидек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил қилиниб, уларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоғи учун юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрланаётир.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ҳамда меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутадиган олий ўқув юртлари янгича мазмун билан бойитилди. Юртимизда Европа ва Осиёнинг етакчи олий таълим муассасалари ҳамда филиаллари ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Жаҳон таълим тизимида ўзига хослиги, меҳнат бозорига рақобатдош кадрлар тайёрлаш механизми пухталиги билан ажралиб турадиган Ўзбекистон кадрлар тайёрлаш миллий модели мустақиллигимизнинг юксак ютуғидир. Бунинг натижасида, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда. Зеро, соҳа ислоҳотларидан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

**Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги таҳрирдаги Қонун қоидалари янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, сўнгги йилларда қабул қилинган “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлар талабларига мувофиқлаштирилди. Уларда ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш нормалари етакчи ўрин эгаллайди.

Янги таҳрирдаги Қонунда асосий тушунчаларга изоҳ берилган бўлиб, улар ҳуқуқий нормаларни бир хилда талқин этиш ҳамда тўғри қўллашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, давлат органлари фаолиятини аниқ мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза этиш соҳасидаги ваколатлари батафсил очиб берилган.

Ходимнинг, иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари қонуний белгилаб қўйилиши ходимнинг ўз ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлаш билан боғлиқ жараёнларга таъсир кўрсатади, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш юзасидан масъулиятини оширади ҳамда иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида аниқ ва тизимли чора-тадбирлар кўриш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Ҳуқуқий ҳужжат билан иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси, ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити, ходимларни озиқ-овқат, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари тартибга солинган. Меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назорати нормалари такомиллаштирилган, ходимлар касаба уюшмаларининг, бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза этишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилган.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши меҳнат муҳофазаси тизимини янада такомиллаштириш, иш берувчи ва ходимнинг соҳадаги талабларни бажариши юзасидан масъулиятини ошириш, бу борада давлат ҳамда жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Қобил ХИДИРОВ**
**ёзиб олди.**

# Бекиёс имкониятлар ва юксалиш одимлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, истиқлол даври соҳада чинакам юксалиш босқичи бўлди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Ахир тадбиркорларимиз хориж бозорини кўзлаб, иш юритишаяпти. Охирги ўн олти йил ичида иқтисодиётимизнинг ушбу тармоғига киритилган чет эл инвестициялари 40 минг АҚШ долларидан 18 миллион АҚШ долларига етгани бунинг яққол тасдиғидир. Пировардида 66 та янги йирик чарм-пойабзал корхонаси ташкил этилган бўлса, 55 та ишлаб чиқариш объекти техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, тўлиқ модернизация қилинди.

Айни пайтда соҳа корхоналари томонидан 400 дан ортиқ турдаги пойабзал ҳамда чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йил якунига кўра, тайёрланган маҳсулотларнинг умумий қиймати 404 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2000 йилдагига нисбатан 46,4 баробар, шу жумладан, пойабзал ишлаб чиқариш 11,5 карра ўсди. Ушбу даврда экспорт ҳажми 100 минг доллардан 110 миллион долларга кўпайгани эса маҳсулотларимизнинг ташқи бозорларда ҳам рақобатдошлигини кўрсатиб турибди.

Таҳлилларга кўра, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси корхоналари томонидан чет давлатларга сотилаётган товарлар орасида тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар улуши тобора ортмоқда. Аниқроғи, экспорт таркибида чарм маҳсулотлари ҳажми 47 фоиз қисқариб, пойабзалнинг улуши 30 фоизга етказилди, чарм-атторлик маҳсулотларининг ҳиссаси эса 15 фоиз ўсди. Бу республикамизнинг ҳар бир ҳудудида замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган камида биттадан йирик ҳамда бир нечта кичик ишлаб чиқарувчи субъектлар самарали фаолият юритаётгани туфайлидир. Жумладан, “Жиззах” махсус индустриал зонасидаги “Peng Sheng” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси йилига 600 миллион квадрат дециметр чарм маҳсулотлари ва 300 минг жуфт пойабзал тайёрлаш қувватига эга. Хоразмдаги “Даритал” корхонаси эса хорижда ҳам анча танилган. Нега деганда, корхона жамоаси ички ҳамда ташқи бозорга йилига 300 минг жуфт пойабзал етказиб бермоқда.



Шу ўринда Фарғона вилоятидаги “Премиум лезер” ва Қашқадарё вилоятидаги “Премиум капитал групп” корхоналари томонидан ҳар йили 100 миллион квадрат дециметр чарм маҳсулотлари ҳамда 300 минг жуфт пойабзал тайёрланаётгани, Наманган вилоятида “Нафис чарм” корхонаси фаолияти йўлга қўйилиши билан йилига 100 миллион квадрат дециметр юқори сифатли, экспортбоп чарм ва 30 минг донадан ортиқ чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти вужудга келганини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир.

Бу натижалар чегара эмас, албатта. Ҳали тизимда рўёбга чиқарилиши режалаштирилаётган лойиҳалар бисёр. Яъни 2016 — 2020 йилларда тармоқни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 114,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган. Бунинг ҳисобига эса “Ўзбекчармпойабзали” уюшмасининг бевосита кўмагида янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ҳамда қувватларини кенгайтириш бўйича 82 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинади. Энг муҳими, дастур доирасида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий самарадорлик ҳам таъминланади. Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати 1,4, чарм-атторлик маҳсулотлари 2,6, пойабзал 2,3, ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажми эса 3 баробар оширилиши билан бирга, қўшимча 3,2 мингдан зиёд иш ўринлари очилади.

Тармоқда амалга оширилаётган ишлардан яна бири ахборот-коммуникация ва дастурий маҳсулотларнинг изчил жорий этилаётганидир. Биргина мисол, Президентимизнинг 2014 йил 3 апрелдаги “Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида уюшмада ахборот-коммуникация тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган 3 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Пировардида соҳа корхоналарида меҳнат ресурсларини бошқариш, хом ашёнинг кириб келиши ҳамда тайёр маҳсулотга айланиши ҳисобини юритиш, шунингдек, маркетинг ишларини бошқариш электрон тарзда амалга оширилмоқда. Бу билан уларда харажатларни қисқартириш ва вақтни тежаш имкони яратилди.

Ҳозирги кунда уюшма ўзининг расмий uzcharm.uz веб-сайтига эга. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали уюшма номига юридик ҳамда жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларга ўз вақтида жавоб қайтарилиб, соҳага оид масалалар бўйича тушунтиришлар берилаяпти. Бунда “Электрон ҳукумат” маркази билан ҳамкорликда иш юритилаётгани қўл келаётир.

Бугун “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси тизимидаги корхоналар нафақат мамлакатимиз ичида, балки ташқи бозорлардан ҳам тобора мустаҳкам жой эгаллаяпти. Чунки иқтисодиётимиздаги янгиланишлар, хусусан, саноат тармоқларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани сифатли, бежирим ва халқаро стандартларга мос маҳсулотлар тайёрлаш учун қулай муҳит яратиб бераяпти. Бу пировардида уюшманинг нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ҳам ўз “бренди”га эга бўлишига пухта замин бўлиб хизмат қилаётир.

**Мирсаид ЗОҲИДОВ,**
**«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бошқарма бошлиғи.**

## ЭЪТИРОФ

**Александра АНДРУНАКИЕВИЧ,**
**Россия чарм ва пойабзал ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бош директори:**

— Очиғи, мамлакатингизда ушбу соҳа учун яратилаётган шарт-шароит ҳамда имкониятларни кўриб, ҳавасим келди. Тан олиш керак, Ўзбекистон бошқа соҳалар қаторида, саноат, шу жумладан, чарм-атторликда бой тажрибага эга. Бу эса соҳанинг жадал ривожланишига, ўз навбатида, хорижликларнинг қизиқиши ортишига сабаб бўлаётир.

# Сифатли дори-дармон — саломатлик омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорига биноан, дори воситалари ҳам мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатига киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган маҳсулот турлари рўйхати қайта кўриб чиқилди ва дори воситалари "фармацевтика маҳсулотлари" номи билан кенгайтирилди.

Ҳозирги кунда бу соҳада республикамизда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган 8 та тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, "Дори-Дармон" АКга қарашли 15 та назорат-таҳлил лабораторияси, шунингдек, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички назорат-таҳлил лабораториялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сифат назорати тизимини шакллантиришда фармацевтика маҳсулотларини омборхоналарда, дори воситаларининг хусусиятларидан ҳамда хоссаларидан келиб чиққан ҳолда сақланишини назорат қилиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Маҳсулот билан улгуржи савдо қилиш жараёнида унинг хавфсизлиги ва сифатини сақлаш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Компаниянинг Марказий





Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

омборхонасида 2015 йилда GDP (лозим дистрибьюторлик амалиёти) тизими жорий этилди, бу эса тайёр дори воситаларини жаҳон стандартларига мувофиқ сифатли сақлаш, юклаш ҳамда транспортировка қилиш имкониятини яратди. Қолаверса, ушбу тизим дорилар сифати ва бутунлигини сақлаш имкониятини оширади, уларни сақлаш, юклаш ҳамда бошқа жараёнларда яроқсиз ҳолга келишининг олди олинади.

Дори воситалари ўзига хос маҳсулот бўлиб, уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича Сифатни таъминлаш (Quality assurance) борасида юқори талаблар қўйилади. Бу кенг қамровли тушунча бўлиб, у илмий ҳамда амалий асосларга таянган ҳолда дори воситаларининг бутун ҳаётий даври давомида (ишлаб чиқиш, тадқиқотлар ўтказиш, сотиш, сақлаш ва бошқа жараёнлар) ишлатиш учун яроқлилигини белгилайди ҳамда етарли информацион материаллар билан таъминланганлик ҳолати, яроқлилик муддати, қабул қилиш учун қулайлиги, эстетик томонлари каби бир қатор кўрсаткичларни қамраб олади.

Бугунги кунда сифат масаласи инсон ҳаёти даражасининг иқтисодий, социал ва экологик жиҳатдан хавфсизлигини оширишда муҳим омиллардан саналмоқда. Мавжуд адабиётлар ҳамда амалиётда сифат тушунчасига турлича таъриф берилган. Масалан, стандартлаш бўйича халқаро ташкилот ISO 9000:2000 стандартида "сифат" тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: сифат — ўзига хос хусусиятларнинг талабларга мос келиш даражаси. ЖССТ таърифи бўйича: дори воситаларининг сифат мезонлари, бу — уларнинг фаоллиги, хавфсизлиги, меъёрлар, синовлар ва усуллар билан сифат кўрсаткичлари бўйича талабларга жавоб беришидир. АҚШнинг FDA ташкилоти эса дори воситаси сифатига "Тавсия қилинганда, қўлланишга яроқлилиги (хавфсизлик, самаралилик, фойдаланиш учун қулайлиги); маҳсулот ҳамда жараёнлар хусусиятларининг чидамлилиги; маҳсулот ва жараёнлар ҳақидаги илмий билим; истеъмолчилар талабларига мослиги", дея тариф беради.

Сифат тизимининг аҳамияти шундаки, бунда фармацевтика ишлаб чиқариш соҳасида GMP талабларини янада чуқурроқ ҳамда фаолроқ қўллаш имконини яратади, шунингдек, текширув вақтида назоратчи томонидан фақатгина сифатни таъминлаш тизимининг мавжудлиги текширилмай, балки GMP талабларига тўлиқ риоя қилинаётганлиги ҳам назоратга олинади. Сифат назорати — Quality control — QC, бунда, асосан, бошланғич материаллар ва тайёр маҳсулот сифати назорат этиларди. Мазкур тизим фақатгина ишлаб чиқарилган яроқсиз маҳсулотни аниқлашга асосланган бўлиб, унинг сифатни таъминлаш концепцияси замирида "Истеъмолчи фақат яроқли маҳсулотни олиши керак", деган ғоя мужассам.

Халқимизнинг сифатли дори воситаларига бўлган талабини қондириш асосий муддаодир. Шу мақсадда "Дори-Дармон" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхона, дорихона, омбор, бошқарувчи ташкилотларда юқорида келтириб ўтилган сифат талаблари ҳамда тизимларини жорий қилиб, амалда қўлланилишини таъминлаш, ходимлар малакасини доимий ошириш йўлида фаолият кўрсатмоқда.

**Абдуғани КАМИЛОВ,**
**«Дори-Дармон» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси.**

# Мўлжални баланд олган деҳқон ютқазмайди

"Йил йилга ўхшамайди", дейди халқимиз. Чиндан ҳам, шундай. Масалан, бу йил саратоннинг шашти баланд бўлди. Бундай пайтда пахтакорлар омилкорлик билан иш юритмаса, ютқазиб қўйиши мумкин. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, фермер хўжалигимиз аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, 45 гектар майдондаги ғўзани обитобида парваришламоқда. Натижада экин ривожи тезлашиб, аввалги йиллардагига нисбатан мўл ҳосил тўпланаяпти.

## АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

Фермерлик фаолиятини бошлаганимизга 10 йил тўлган бўлса, шартнома мажбуриятини доим уддалаб, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлган. Масалан, ўтган йили гектаридан ўртача 40 центнердан сифатли пахта териб олдик. Бу йилги мўлжалимиз янада баландроқ: гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш. Бунинг учун, айниқса, август ойининг ҳар кунидан самарали фойдаланиш пайидан бўлмоқдамиз.

Ихтиёримизда учта чопиқ трактори бор. Экин ҳолатидан келиб чиқиб, ғўза қатор оралари тез-тез культивация қилинаяпти. Чунки тупроқнинг юмшатилишида ҳикмат кўп. Аввало, экин илдиз тизимида ҳаво алмашинуви яхшиланади. Қолаверса, ғўза бағрига шамол тегиб, пастки шохлардаги кўсаклар тўлишади. Энг муҳими, ҳосилнинг пишиб етилиш жараёни тезлашади. Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунга қадар экин майдонларига 10 мартадан ишлов бердик. Ҳозир ҳам ишчи органлари муҳофазаланган тракторлар ғўза ораламоқда. Демоқчи бўлганим, ғўзага вақтида ва сифатли ишлов бериш, белгиланган миқдорда минерал ҳамда маҳаллий ўғит билан озиқлантириш эвазига унинг ривожини 10 — 12 кунга тезлаштириб олдик.

Гул кўсакка, кўсак бўлиқ пахтага айланаётган бугунги ўта масъулиятли даврда ғўза зараркунандаларига қарши курашишни асло сусайтириб бўлмайди. Озгина эътиборсизликка йўл қўйилса, эрта баҳордан буён қилинган меҳнат йўққа чиқиши мумкин. Биз ҳосил кушандаларига қарши биологик усулда ишлов бераётганимиз ўз самарасини кўрсатаяпти.

Августда ғўзани суғоришга ҳам алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Дейлик, экинга кундузи сув таралиб, эгатлардаги сув илиб қолса, ғўза ҳосилини ташлаб юбориши мумкин. Шунинг учун ушбу тадбирни "шарбат" усулида тунда амалга ошираяпмиз.

Яна бир гап. Биз ҳосилни техника ёрдамида йиғиб-териб олиш ниятидамиз. Шу боис чигит қадашдан тортиб, ғўза парваришигача машина теримига мослаб ўтказаяпмиз.

Деҳқоннинг руҳиятини экиннинг ҳолатига қараб билиб олса бўлади. Шу маънода, бугун фермер хўжалигимиз аъзоларининг кайфияти кўтаринки. Ахир баракали ҳосилга деярли мустаҳкам замин ҳозирлаб бўлинди. Бу бизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига муносиб тўёнамиз бўлади.

**Миркамол ҒУЛОМОВ,**
**Чиноз туманидаги «Чиноз агроинвест» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Европанинг йирик авиасозлик концерни "Airbus" ўзининг АҚШлик рақобатчиси ҳисобланган "Boeing" компанияси билан зимдан давом этадиган беллашувда ҳисобни деярли тенглаштирди.*

## Ҳисоб деярли тенглашди



Гап шундаки, Лондонда ўтказилган "Фарнборо" авиашоусида "Airbus" жорий йилнинг январь ойидан июлигача бўлган буюртмалар сонини 323 тагача кўпайтиришга эришди. "Boeing" компаниясининг бу борадаги кўрсаткичи 334 та. Бироқ иккала ишлаб чиқарувчининг ҳам умумий буюртмалари сони 2015 йилнинг мазкур давридагига нисбатан 17 фоиз камайган. Бунга авиаташувчилар сонининг нисбатан қисқаргани ҳамда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган беқарорлик асосий сабаб сифатида айтилмоқда.

## Ўрмон ёнғинлари кескинлашмоқда

*Кучли ўрмон ёнғинлари Португалиядаги Мадейра оролининг Фуншал шаҳри яшаш жойларига қадар етиб борди.*



Хавф юқорилиги туфайли 300 нафарга яқин одам эвакуация қилинди. Бир қанча уй кулга айланди. Жабрланганлар сони ҳақида аниқ маълумот берилмаяпти. Бундан ҳам мураккаб вазият мамлакатнинг шимолида кузатилаётир. У ерда ҳаво ҳароратининг юқорилиги ва кучли шамол эсаётгани туфайли ўрмон ёнғинлари тобора кескинлашаяпти. Оловни бартараф этиш ишида мингдан зиёд аҳоли вакиллари қатнашмоқда.

Умуман, Португалия миқёсида 10 та йирик ёнғин нуқтаси аниқланган.

## Эски автоуловнинг янги баҳоси

*"Bonhams" кимошди савдо уйи 1935 йилда ишлаб чиқарилган "Mercedes-Benz 500K Special Roadster" русумли спорт машинасини аукционга қўйишини маълум қилди.*



Маълумотларга кўра, ушбу автомобилни германиялик машинасоз Иккинчи жаҳон уруши охирига қадар ўз уйида сақлаган. Кейинчалик "Mercedes" АҚШга олиб кетилган.

Мутахассислар мазкур қадимий автоулов беш — етти миллион евро атрофида баҳоланиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

## "Ақлли" соатларнинг навбатдагиси

*АҚШнинг "Apple" компанияси томонидан "ақлли" соатларнинг янги авлоди ишлаб чиқарилаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди.*



"Apple Watch — 2" русумидаги қурилмаларни шу йилнинг охирига бориб савдо пештахталарида кўриш мумкин. Мазкур соатлар эндиликда кучли процессор, каттароқ ҳажмдаги батареяга эга бўлади. Бундан ташқари, унга барометр ва чанг ҳамда намликдан асровчи ҳимоя воситаси ҳам ўрнатилади. "Apple Watch — 2"нинг экрани қалинлиги ва ўлчами аввалгиларидан фарқ қилмайди.

## Яна йўқолган самолёт ҳақида

*Бундан икки йил аввал "Malaysia Airlines" авиакомпаниясига тегишли "Боинг — 777" самолёти ҳалокатга учраган эди. Ана шу фожиа билан боғлиқ навбатдаги маълумотлар эълон қилинди.*

"The Australian" нашрида қайд этилишича, ҳаво лайнерининг ёнилғиси тугагач, аввал унинг чап, 15 дақиқадан кейин эса ўнг двигатели ёна бошлаган. Шундан сўнг 10,6 минг метр баландликда парвоз қилаётган самолёт аввал дақиқасига 3,6 километр, кейин 6,5 километр тезликда Ҳинд океанига қулаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР

«AUTO MEGA TRADE» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Space arsenal servis» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2013 йил 19 августдаги 1-439/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Q 654 PA, техник носоз, «Mercedes-Benz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 14 715 200 сўм.***

**2.** «Зафар И» божхона омборида сақланаётган, 2012 йил 10 октябрдаги 1-889/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 A 612 BA, техник носоз, «Mercedes-Benz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 35 667 542 сўм.***

**3.** Яшнобод тумани прокуратураси биносида сақланаётган, 2013 йил 8 майдаги 1-237/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 M 277 JA, техник носоз, «ГАЗ-31029 СПГ» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 5 783 792 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказига қарашли далилий ашёларни сақлаш майдончасида сақланаётган, 2009 йил 21 августдаги 1-504/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 071, техник носоз, «КамАЗ» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 4 762 073 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

**II.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2014 йил 18 мартдаги 1-125/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Oazis mega biznes savdo» МЧЖ омборида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами X 752 BO, техник носоз, «ВАЗ-2121 НИВА» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 25 049 753,9 сўм.***

* 2013 йил 24 сентябрдаги 2-127/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИББ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 N 276 EA, техник носоз, «ГАЗ-31029» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 7 096 983,7 сўм.***

* 2016 йил 20 январдаги 1-13/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Агабеков Бек транс» МЧЖ омборида сақланаётган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 190 TTB, техник носоз, «Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 11 831 000 сўм.***

* 2015 йил 17 августдаги 8/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назорати жарима майдончасида сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 596 DA, техник носоз, «Москвич ИЖ-412» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 1 393 327,52 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 16 сентябрь куни соат 16.00. Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «Auto mega trade» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО: 01088, СТИР: 303877274.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-«А» уй.***
***Телефон: (0-371) 239-29-40.***

Гувоҳнома № 009293.

1233R/474/565

«Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 16 майдаги 1-1170/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Иноқобод кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 255,69 кв. м. бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 201 450 992 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11.**
**www.emulk.uz Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1251A/540

«Best realtor» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Нарпай тумани СИБ томонидан ФИБ Каттақўрғон туманлараро судининг 2016 йил 9 мартдаги 1-1067-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош шаҳри, Муқимий маҳалласи, Фарҳод кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 445,17 кв. м. бўлган нотураржой бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 285 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 20 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000400433601008, МФО: 00262, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Самарқанд шаҳри,**
**Кўксарой майдони, 1-уй, 2-қават, 212-хона. Телефон: (+99893) 331-70-80.**
**www.emulk.uz Электрон почта: best.samarqand@inbox.uz**

1248R/421

## Спорт

# МИЛЛИОНЛАР ОЛҚИШИГА САЗОВОР ЎҒЛОН

### Олимпиада ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Боксимиз ҳақида сўз юритганда, бежиз "салоҳияти юксак", деган иборани тез-тез қўллаётганимиз йўқ. Бинобарин, мана шу Олимпиада ўйинлари мисолида ҳам бу жиҳат ўз тасдиғини топаяпти. Фикримизни айрим рақамлар асосида давом эттирсак, эришилаётган муваффақиятларнинг аҳамияти янада яққолроқ аён бўлади. Эътибор беринг: "Рио — 2016"нинг фақат бокс мусобақаларида 76 давлатдан 287 нафар спортчи совринли ўринлар учун курашга киришганди. Яъни рақобат жуда кучли эди. Баҳсларнинг ўн иккинчи куни якунига кўра, биттадан олтин, кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари жамоа сифатида рўйхатда етакчилик қилишмоқда. Кейинги ўринлардан Қозоғистон, Россия, Бразилия, Франция, Колумбия жой олган. Жаҳон боксида доимо алоҳида эътироф этиладиган Куба эса еттинчи поғонада бораётган бўлса, биттадан бронза медалига эга чиққан Финляндия, Буюк Британия, Марокаш давлатлари саккизинчи ўринни бўлишиб олган.

Таъкидлаш жоизки, вазни 69 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашган Шаҳрам Ғиёсов дастлаб испаниялик Йоуба Ндьяе Сиссокони, кейин литвалик Эймантас Станионисни мағлубиятга учратди. Чорак финалда Пекин Олимпиадаси бронза медали соҳиби, Лондон Олимпиадаси ғолиби, кубалик Роньел Иглесиасни, ярим финалда Африка ва амалдаги жаҳон чемпиони, марокашлик Муҳаммад Робини енгиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

— Бу мен учун биринчи Олимпия ўйинлари ҳамда шундай нуфузли спорт анжуманининг илк медали ҳисобланади. Бундан жуда хурсандман, — дейди Шаҳрам тақдирлаш маросимидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида. — Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, финалга қадар жиддий рақибларга дуч келдим. Айниқса, чорак финалдаги баҳс мен учун ўта оғир кечди. Аслида, Олимпиада ўйинларида кучсиз спортчининг ўзи бўлмайди ва шу боис рақибларим қанчалар номдор эканига эътибор қилмай, фақат ғалаба қозониш, шу орқали мустақиллигимизнинг 25 йиллигига совға ҳозирлаш ҳақида ўйладим. Бугун ниятимга эришдим. Мен Ўзбекистон фарзанди бўлганимдан фахрланаман ҳамда бундан кейин ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун бор куч ва салоҳиятимни ишга соламан. Фурсатдан фойдаланиб, биз, спортчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик учун давлатимизга, шунингдек, ота-онам, устозларим, барча-барчага миннатдорлик билдираман. Бу — бутун Ўзбекистоннинг ютуғидир.

— Ўғлимиз ҳар бир мусобақага кетаётган пайтда, албатта, дуомизни олади, — дейди Шаҳрамнинг отаси Жамшид Ғиёсов. — Олимпиадага жўнаш олдидан ҳам онаси билан мени бағрига маҳкам босиб, "Совриндор бўлиб қайтаман", деганди. Сўзининг устидан чиқди. Юртимиз номини улуғлашга ҳисса қўшаётган шундай фарзандимиз борлигидан фахрланамиз, бахтиёрмиз.

Шаҳрам Ғиёсовдан аввал рингга кўтарилган Шаҳобиддин Зоиров ҳам чорак финалда кучли рақиб — амалдаги жаҳон чемпиони, 52 килограммгача бўлган вазн тоифасида биринчи рақам остида сараланган озарбайжонлик Эльвин Мамишзода билан рўбарў келди. Эътиборлиси, мазкур баҳсга қадар Ирландия ва АҚШ терма жамоалари аъзоларини мағлуб этган Шаҳобиддин ярим финал йўлланмаси учун кечган беллашувда ҳам бутун учрашувни ҳужумкор руҳда ўтказиб, ҳақли равишда ғалабага эришди. Энди у навбатдаги босқичда венесуэлалик Йоэль Сегундо Финоль билан куч синашади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Маҳалла футболи — камолотга йўл

Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ҳамда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ болалар спортини ривожлантириш ва оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш мақсадида шаҳару қишлоқларимизда замонавий спорт мактаблари, иншоот ҳамда мажмуалар бунёд этилиб, барчаси зарур анжомлар, малакали мутахассислар билан таъминланди. Шуларга мос равишда, жойларда турли мусобақалар уюштирилиб, уларга ёшлар кенг жалб қилинмоқда.



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон футбол федерацияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган анъанавий "Футболимиз келажаги" мусобақаси ана шундай нуфузли спорт тадбирларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг май — август ойларида маҳаллаларда ташкиллаштирилган ушбу беллашувларда жами 1 миллион 300 минг нафарга яқин ёшлар қатнашди. Яқинда мазкур баҳсларнинг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтди.

Қарши шаҳридаги "Бинокор" стадионида ташкил қилинган мусобақаларда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликка эришган 9-10, 11-12 ҳамда 13-14 ёшли болалар ва ўсмирлардан иборат 12 жамоа иштирок этди. Якунда 9-10 ёшли болалар ўртасида Шаҳрисабздаги "Шакартери" қишлоқ фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бошқа ёш тоифаларида эса Шаҳрисабздаги Писанди ҳамда Касби туманидаги Обод юрт маҳаллалари жамоалари зафар қучди.

— Бундай мусобақалар биз, ёшларни аниқ мақсад сари интилишга ундайди, айни чоғда қалбимизда спортга меҳрни кучайтиради, — дейди "Шакартери" жамоаси сардори Алишер Яшинов. — Бугунги ғалабамиз ҳам жипслик, дўстлик ва мунтазам олиб борилган машқлар самарасидир. Ҳозир маҳалламизда спорт билан шуғулланиш, жумладан, футбол ўйнаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида бундан-да салмоқли натижаларни қўлга киритишга астойдил ҳаракат қиламиз.

— Жойларда футболни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган анъанавий мусобақаларга қизиқиш йил сайин ортиб бораётир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси Бахтиёржон Элчиев. — Бу йил мусобақанинг ҳудудий босқичларида 5500 нафарга яқин бола қатнашгани ҳам бунинг яққол далилидир. Улар орасидан сараланган 12 жамоа вилоят босқичида ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

"Истиқлол" стадионида ўтказилган баҳс якунида 13-14 ёшдаги ўсмирлар ўртасида ишончли тўп сурган Фарғона шаҳридаги Ибн Сино номидаги маҳалла футбол жамоаси муваффақият қозонди. Бошқа ёш тоифалари бўйича ҳам пешқадамлар аниқланди.

— Турнир давомида 6 та тўп киритдим, — дейди "Энг яхши ҳужумчи" деб топилган Тошлоқ туманидаги "Садда" маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси сардори Абдусаттор Абдуллаев. — Келгусида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда Универсиада спорт ўйинларида малакамни ошириш, ундан кейин мамлакатимиз терма жамоасида тўп суришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли.

Пахтакор туманидаги "Ёшлик" стадиони ҳам ёш футболчилар ва мухлислар билан гавжум бўлди. Жиззах вилояти босқичида 3 та ёш тоифасида жами 12 жамоа баҳсларга киришди.

— Мазкур турнирнинг асосий мақсади маҳаллаларда оммавий спортни янада ривожлантириш, навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялашдан иборат, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Зафаробод тумани бўлинмаси раиси Яхшибой Тўйчиев. — Бу ерда кўплаб иқтидорли ёшлар аниқланди. Насиб қилса, улар тез орада маҳоратли футболчи бўлиб камолга етадилар.

9-10 ёшлилар ўртасида биринчи ўрин Зафаробод туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини жамоасига насиб этди. Кейинги ёш тоифаларида эса Жиззах шаҳридаги "Қипчоқ" ҳамда Жиззах туманидаги "Қатортол" маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари муваффақият қозонди.

Мусобақанинг Наманган вилояти босқичи очилишида сўз олганлар алоҳида таъкидлаганидек, ушбу турнир ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Вилоятдаги беллашувларнинг маҳаллалараро босқичларида 54,5 минг нафардан зиёд бола қамраб олинганлиги мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Ҳудудий босқичда 12 та маҳалла жамоаси 3 ёш тоифасида майдонга тушди. Муросасиз баҳслар якунида кучлилар номи аниқланди: Наманган шаҳридаги Умид, Уйчидаги Пастгузар ҳамда Нориндаги Яйдоқ маҳаллалари жамоалари биринчи ўринларни банд қилди.

"Футболимиз келажаги"нинг ҳудудий босқичлари якунланди. Мазкур мусобақа маҳаллалардаги болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада оммалаштириш, уларни жисмонан соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**1.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2016 йил 11 апрелдаги 1-115-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бандихон «Омихтаем» МЧЖга тегишли бўлган, Қизириқ тумани, Бандихон маҳалласида жойлашган, умумий майдони 4560,0 кв. м.дан иборат маъмурий бино, омборхона, ем сотиш дўкони, тарозихона ва ҳожатхона қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 163 938 000 сўм.*

**2.** Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 21 октябрдаги 19-1107/15478-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шоҳимардон имкон ММТП» МЧЖга тегишли, Сариосиё тумани, «Наврўз» ҚФЙ, «Шоҳимардон» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 480,50 кв. м. бўлган гараж биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 48 886 904 сўм.*

**3.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 11 июлдаги 19-1502/30635-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сурхон ҳумо сервис» МЧЖга тегишли, Термиз шаҳри, В. Воҳидов (аввалги «Камолот») кўчасида жойлашган, ер майдони 2058,13 кв. м. бўлган, 13 хонадан (А, А-1, Б-литерлар) иборат ошхона, ҳожатхона, ювиниш хонаси ва маъмурий бинолар қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.*

**4.** Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан ФИБ Шерobod тумани судининг 2013 йил 25 октябрдаги 1-1105-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, Бибиширин маҳалласида жойлашган, ер майдони 600,00 кв. м. бўлган 3 хонали уй-жой биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 73 514 044 сўм.*

**5.** Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон тумани судининг 2015 йил 23 октябрдаги 1-2557-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Меҳнатобод маҳалласида жойлашган, ер майдони 117,50 кв. м. бўлган 1 хонали савдо дўкони қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 69 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2016 йил 21 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00.

**6.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 29 январдаги 1-488-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган, ер майдони 173,10 кв. м. бўлган 8 хонадан иборат маъмурий ва хўжалик биноси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 76 000 000 сўм.*

**7.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шерobod тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Ч. Қувондиқов номидаги маҳаллада жойлашган, ер майдони 600,00 кв. м. бўлган 5 хонадан иборат тураржой такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 60 635 745 сўм.*

**8.** Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 11 февралдаги 1-305-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, «Озиқ-овқат бозори» МЧЖ ҳудудида жойлашган, ер майдони 18,25 кв. м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат 58-сонли савдо дўкони такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 41 000 000 сўм.*

**9.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 27 мартдаги 19-1502/1752-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Остонақулов кўчаси, 107-уйда жойлашган, ер майдони 603,72 кв. м. бўлган 18 хонадан иборат маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 134 146 946 сўм.*

**10.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2015 йил 3 августдаги 2-85-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шашмоҳкашоб» агросаноат фирмасига тегишли, Денов тумани, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, ер майдони 5484,39 кв. м. бўлган 18 хонадан иборат маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 6 115 693 769 сўм.*

**11.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов номидаги маҳаллада жойлашган, ер майдони 3050,00 кв. м. бўлган, 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган, «Дилором» номли болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой) биноси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 262 426 406 сўм.*

**12.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 27 октябрдаги 3-487-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Далварзин» ҚФЙ, Қўштегирмон маҳалласида жойлашган, ер майдони 115,30 кв. м. (Б, Д, Е-литерлар)дан иборат сарой, бостирма, ошхона бинолари такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 14 839 192 сўм.*

**13.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 15 январдаги, 2014 йил 21 январдаги ҳамда Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 мартдаги 19-1406/1507-сонли, 2014 йил 23 майдаги 19-1406/4232-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Санитар тозалик» автокорхонасига тегишли, Термиз шаҳри, Меҳридарё кўчаси, 12-уйда жойлашган, ер майдони 6994,80 кв. м. бўлган, 18 хонадан иборат маъмурий ва хўжалик бинолари такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 173 594 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2016 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 5 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 сентябрь куни бўлиб ўтмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94. www.1kms.uz Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

1245A/180

Хизматлар лицензияланган.

## «Kimoshdi savdo servis» МЧЖ
### Тошкент шаҳар филиали



**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2016 йил 30 июндаги ҳукми асосида қўзғатилган 31104/11-сонли ижро варақасига асосан, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 P 595 FA, оқ рангли, «ISUZU NQR 71PL» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 92 000 000 сўм.***

Автотранспорт воситаси Шайхонтоҳур туманидаги «Жарариқли» автотурарғоҳида сақланмоқда.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kimoshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

1249R/570

www.koss.uz Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99890) 725-88-80. Гувоҳнома № 4621.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6